
Байроғимиз - бизнинг фахримиз-ғуруримиз

Ўзбекистон ХДП туман Кенгаши томонидан ахборот-кутубхона маркази мажлислар залида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ва туман ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда "Байроғимиз - бизнинг фахримиз-ғуруримиз" мавзусида ёшлар ўртасида маънавий -маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбирда сўз олган Ўзбекистон ХДП туман Кенгаши раиси Т. Солиев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси А.Ўсаралиевлар "Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинганлигига 29 йил тўлганлигини таъкидлаб ўтишди.Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг рамзи эканлиги, ўзида миллий-маданий анъаналаримизни ифода этиши, халқимиз ва Ватанимизнинг ғурури ва ифтихори эканлигини айтиб ўтдилар. Тадбир давомида ёшларимиз гуруҳларга бўлиниб "Заковат" савол-жавоб ўйинида иштирок этдилар. Тадбирда фаол иштирок этган ёшларимиз Ўзбекистон ХДП ва ёшлар иттифоқи туман Кенгашларининг ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари, ташаккурномалар билан тақдирландилар.

2020-11-16 19:09:55